
Соғлом турмуш тарзи тарғиботида яна тиббиёт ходимлари ўрнак бўлишди

Мутахассисларнинг билдиришича, bemорларга энг кўп тавсия этиладиган даво усули бу уларни жисмоний фаолликка чорлаш экан. Сабаби, аксарият хасталиклар кам ҳаракатлилик ва бунинг оқибатида организмда рўй берадиган салбий ўзгаришлар туфайли юзага келади.

Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида туманимиздаги саломатлик посbonлари томонидан навбатдаги спорт мусобақалари ва гимнастика машқлари бажарилди.

Ушбу спорт тадбирларида 150 нафарга яқин тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, тиббиёт касаба уюшмаси ташкилоти хамда туман БўСМ ҳамкорлигига ташкил этилган спорт мусобақалари қизғин баҳсларга бой ўтди.

Тиббиёт ходимлари спортнинг стол теннис, шахмат, шашка, дартс, арқонда сакраш, гимнастрада турлари бўйича, шунингдек 100 ва 400 метр масофаларга югуришда ўзаро беллашдилар.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-11-14 22:35:32